

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ТАРМОҒИДА КЛАСТЕР КОРХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ёқубов Тоҳиржон Ғаниевич,
Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти
катта ўқитувчиси.

Неъматуллаев Бекмирзо Бозорбой ўғли
талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7965627>

Аннотация: Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада мамлакатимизда мева-сабзавотчилик кластери корхоналари фаолиятида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг натижалари ёритилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт ва аграр тармоқ, интеграция, мева-сабзавот, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, инвестиция, кластер, иссиқхона хўжаликлари, фермер хўжаликлари, бошқарув тизими, молиявий қўллаб -қувватлаш.

Кириш Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятларга эга. Аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Мавжуд салоҳиятимизни тўлиқ ишга солишимиз, унга яраша катта даромад олишимиз зарурлигини инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, Агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади» [1] - деб таъкидлаган эди.

Шунинг учун иқтисодиётни диверсификациялаш ва трансформациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш муҳим масала ҳисобланади. Республикамиз ҳукумати ҳам аграр секторни ислоҳ қилишга, унинг шаклан ва мазмунан янги тузилмасини яратишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис аъзоларига анъанавий мурожаатномасида таъкидланганидек : "Пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади. Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш кабилардан воз кечилади. Аграр соҳанинг бошқа соҳаларига ҳам арзон кредитлар ажратилиши йўлга қўйилади. Шундан кейин, жорий йилда 2 миллиард АҚШ долларига тенг, келгуси 5-7 йилда эса бундан 3-4 барабар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 44 минг га ер майдонда сувни

тежайдиган технологиялар жорий этилади" [2] деб таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди сифатида сайлов олди дастурида ҳам "Аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор, қулай шарт ва муддатларда молиялаштириш ва суғурталашнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилиши" [3]ни кўрсатиб бердилар.

Шунинг учун Ўзбекистонда демократик тамойилларга асосланган, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлайдиган барқарор иқтисодий тизим-бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда замонавий бошқарув тизими ва унинг самарали механизмларини шакллантириш масалалари амалдаги ислохотлардан кутиладиган пировард натижаларга эришишнинг муҳим омилларидан бирidir. Амалдаги ижтимоий-иқтисодий, молиявий, таркибий ислохотларнинг асл мақсади - бошқаришнинг замонавий тизимини вужудга келтиришдан ва унинг самарали фаолиятини таъминлашдан иборат.

Аграр соҳадаги интеграция жаранларида ягона технологик занжирга бирлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида белгиланган дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқларида мулкчилик муносабатларини бошқариш соҳаси нафақат мамлакатимиз иқтисодиётининг, балки умуман инсоният тараққиётининг энг муҳим ва асосий эътибор бериладиган соҳаларидан бири ҳисобланади, чунки айнан шу соҳада молиявий барқарорликни таъминлашнинг асослари яратилади, пировард натижада бошқарувнинг илмий асосларига эга бўлган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект иқтисодий ислохотларни тўғри ташкил этган ҳолда давлат ва жамият иқтисодиётининг юксак чўққиларга эришишида ўз хиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлашга ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.... мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади" [4]деган кўрсатмаларини юқори даражада амалга оширишда бош йўналиши халқаро амалиётда синалган тажрибалардан кенг фойдаланиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аграр соҳасида илмий сиғими юқори бўлган, ресурс тежамкор, инновацион ғоя ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳанинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлиши, аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг янги босқичи бошланди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти - Саммитидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан бири. агросаноат кластерларни ривожлантириш ғояси бўлди. мамлакатларимиз ишбилармон доиралари

ўртасида Саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш тарафдори эканлигини таъкидлади. Бу инновацион ғоя тезда дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинди [5].

Унда Президент Ш. Мирзиёевнинг бевосита ғояси асосида Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион пахта тўқимачилик кластери тизимининг ноёблиги, янгилиги, халқнинг ҳаёт сифати ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги стратегик аҳамияти ҳам илмий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этиб берилган.

Мамлакатимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли - бу аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади

Шунингдек Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди сифатида сайловолди дастурида ҳам "Аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор, қулай шарт ва муддатларда молиялаштириш ва суғурталашнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилиши" [5] ни кўрсатиб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" да қуйидагилар белгиланди:

- Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.
- Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш.
- Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш.
- Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш. 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очиқ танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш.
- Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш" [6]. каби вазифалар белгиланди.

Шунинг учун аграр тармоқни трансформациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар олдида асосий вазифа сифатида ташқи муҳит ўзгаришларига ўз фаолият соҳаларини тезлик билан мослаштира олиш ва вужудга келган муаммоларни осонлик билан ўз фойдаси ҳисобига ҳал этиш масаласи юзага келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда, мулкчиликнинг турли шаклларида бошқарувни бозор тамойилларига мувофиқлашган ҳолда ташкил этиш самарали хўжалик юритишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони, 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини

тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон [фармони](#), 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2021 йил 27 январдаги ПҚ-4964-сон "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сонли "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 22 июндаги 398-сонли "Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 130-сон "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур ишда муайян даражада хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда жами 844 та кластерларга 2 200 000 га. ер майдонлари бириктириб берилган бўлиб, шулардан пахта - тўқимачилик соҳасида 134-та, ғаллачиликда 195-та, мева -сабзавотчиликда 261-та, шолчилик соҳасида 41-та ва бошқа шу каби соҳаларда 213 та агрокластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Республикада мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Агрокластерлар.[9]

№	Кластерлар турлари	Сони
1	Пахта-тўқимачилик кластерлари	134
2	Ғаллачилик кластерлари	195
3	Мева-сабзавотчилик кластерлари	261
4	Шолчилик кластерлари	41
5	Доривор ўсимликлар кластерлари	8
6	Чорвачилик кластерлари	34
7	Қоракўлчиликда кластерлари	46
8	Паррандачилик кластерлари	11
9	Балиқчилик кластерлари	38
10	Пиллачилик кластерлари	76
Жами		844

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кластер фаолиятида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича хорижда ва республикамиздаги иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, кластер тизиминининг концептуал асослари, иқтисодий мазмуни ва асосий таъмойиллари бир қатор хорижий ва ватанимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кластер тадқиқотларига бағишланган.

Иқтисодиёт назариясига кластер тушунчаси Америка олими М.Портер томонидан киритилган бўлиб, у «Мамлакатнинг рақобатда устунлиги (1990й.) китобида кластер тушунчаси моҳиятини очиқ беради, жаҳон иқтисодиётига тадбиқ этиб маҳаллий, миллий ва давлат рақобатбардошлиги назарияларини илгари сурган, ҳамда кластер назариясининг тарихий ва интеллектуал шарт - шароитларини таҳлил этган ва

мамлакат рақобатбардошлиги алоҳида фирмаларнинг эмас, балки турли тармоқларга оид фирмалар бирлашмаси-кластерларнинг халқаро рақобатбардошлиги призмаси орқали кўриш мақсадга мувофиқ, хусусан, мана шу кластерларнинг ички ресурслардан самарали тарзда фойдалана олиш қобилияти муҳим эканлигини асослайди[8] Шунингдек М.Энрайт, С.Резенфелд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар «Минтақавий кластерлар концепцияси», А.Маршалл «Саноат ҳудудлари назарияси», П.Бекатин «Италян саноат округлари назариялари», М.Сторпер «Идеал ҳудудий кластер» назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган. Британия назариётчиларининг Ж.Даннинг, К.Бримен, Шмит, Ж.Хамфрилар) Скандинавия олимлари Б.О.Лундвалъ, Б.Йонсон, Б.Асхайд, А.Изаксон - кластернинг эволюцион ривожини бир қатор босқичлардан ўтишини [10]таъкидлаб ўтадилар.

Кластерлар назарияси рус олимларидан И.Н.Гарифуллин, М.А.Ерохин, Н.А.Сулейменов, Р.Б.Беков, М.А.Шаталов, А.Э.Ахмедов, С.Ю.Мычка Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталиев ва бошқалар[11] томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди. Иқтисодий инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластернинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутиб, дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас қўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, ҳозирги глобаллаштириш шароитида нафақат ривожланаётган мамлакатлар балки ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибadorлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда.

Республикамизда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари ва амалий аҳамияти бўйича М.С.Юсупов, Ф.Х.Назарова, Р.Х.Тошматов, Б.Зарипов, М.А.Раҳматов, Х.Урдушев, А.Қулматов, Ш.Кимсанбоева, Б.Синдаров, А.Эргашев, Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов, М.С.Дусмахемедова, О.Раджапов, А.А.Маматов, Т.Т.Жўраев, Э.Қўлдашев ва бошқа олимларнинг [12] илмий ҳамда монографик ишларида ўз ифодасини топган

Республикамизда кластер интеграцияси, инновация ва иқтисодий ўсиш омили сифатида олимларимиздан М.А.Раҳматов, Б.З.Зариповлар томонидан "Пахтачилик-тўқимачилик" кластери мисолида[13], А.М.Қодировлар Агросаноат кластер қатнашчиларининг инновацион йўналтирилганлик омили кластерни ажратиб

турадиган муҳим жиҳатларини[14], ҳар томонлама муаммонинг илмий ва амалий томонлари ҳисобга олиниб чуқур тадқиқ этилган ва ёритилган

Юқорида таъкидланган олимлар кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари ва амалий аҳамияти хорижий тажрибаларини таҳлил этган ҳолда мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш, ҳамда логистикаси корхоналарининг ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олиб, алоҳида илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ўз навбатида танланган мавзу бўйича илмий изланишни тақозо этади

Тадқиқотнинг мақсади -Ўзбекистон Республикасида илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида мулкчиликнинг турли шаклларидаги аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарда, хусусан Андижон вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий менежментни ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётда жорий этиш ҳамда ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида Агрокластер корхоналарида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ субъектлар, хусусан Андижон вилоятининг мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятида бошқарув тизимини такомиллаштириш илмий тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий "занжирини" кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Шундай шароитда Республикамиздаги мева-сабзавотчилик кластерларида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар мазкур тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси Ушбу мақолада ўрганилаётган муаммони атрофлича таҳлил этиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил ва бошқа усулларни қамраб олади.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарини инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий "занжирини"ни ташкил этиш ва замонавий бошқарув тизимларини (кластер назариясини) амалиётга татбиқ этиш, ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Тадқиқотдан кутилаётган илмий янгиликлар:

Илмий ишнинг якуний натижаси асосида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

1. Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятида бошқарув тизимини такомиллаштиришни зарурлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари назарий жиҳатдан асосланган.

2. Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик кластерларида замонавий бошқарув тизимини ташкил этишнинг концептуал асослари ва прогнозлаштириш усуллари таҳлил этилган ва асосланган.

3. Республикамиздаги мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятида бошқарув тизими таҳлил этилган ва такомиллаш бўйича таклифлар келтирилган.

4. Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик кластерларида бошқарув қарорлари қабул қилишда замонавий усуллари ишлаб чиқилган ва асосланган.

5. Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик кластерларининг тадбиркорлик фаолиятида бошқарув муҳит ва бошқарув тизимини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

6. Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик кластерлари молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишда бошқарув тизимининг роли ва уларни такомиллаштириш бўйича ёндашувлар, мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар Ушбу илмий ишни натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавотчилик кластерларида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда, шунингдек бошқарув тизимини амалга оширувчи субъектлар фаолиятида, хусусан мева-сабзавотчилик кластерлари корхоналарида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштиришда фойдаланишлари мумкин. Тадқиқот натижаларидан, нафақат мева-сабзавотчилик кластерларида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда амалий таклифлардан ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида фойдаланишлари мумкин.

References:

1. Ш.Мирзиёев. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020й. 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasi_dan_asosiy_tezislar
3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастури.Т:"Ўзбекистон" нашриёти. 2021.24-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. Lex//uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш. Мирзиёевнинг сайлов олди дастури. Т:"Ўзбекистон" нашриёти. 2021. 24-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган " янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси".lex/uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. //Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал.
8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф таҳлили
9. М. Портер Конкуренция / Майкл Э. Портер; пер. с англ. – М.: Вильямс, 2006. – 256 с.
10. М. Портер Международная конкуренция: /Пер.с англ./ Под ред. и с предисловием В. Д.Щетинина.-М. : -Международ. отношения, 2005.-859с.
11. Гарифуллин И.Н.Классификация инновационных кластеров в региональном секторе российской экономики. / И.Н.Гарифуллин // Вопросы экономики. 2014. №4. С. 66–69
12. М. С.Юсупов "Агросаноат интеграцияси" Ўқув қўлланма. - Т. 2015й. 49-363 б.
13. М.А.Раҳматов Кластер – ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилidir. // “Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истиқболли йўналишлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани – Бухоро.: “Дурдона”, 2019, 68-бет.
14. А.М.Қодиров. Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истиқболли йўналишлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 24 май: - Бухоро : “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona нашриёти, 2019.5- б.